



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА “АҚЛЛИ ШАҲАР” КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Каримов Асрор Акбарович

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ ЖХД ЙҲХХ МКБТ катта муҳандиси – капитан

Тел: (98) 000-32-02

(98) 809-92-02

Аннотация: *Мазкур мақолада “Ақлли шаҳар”ни ривожлантириш учун соҳалар кесимида белгиланган муҳим мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, унинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятлари белгиланган. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий тажриба асосида таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.*

Калит сўзлар: *ақлли шаҳар, ақлли транспорт, ақлли электр энергия, ақлли сув ресурслар, ақлли экология, ақлли электрон платформа, ақлли сервис соҳаса, ақлли хорижий инвестиция.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сон “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотларга Концепция ҳамда чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда ва илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда белгиланган тартибда қўмаклашиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида концепция элементларини жорий этиш амалиёти олиб борилмоқда. Ушбу Концепцияни инновацион барқарор ривожлантириш мақсадларида амалга ошириш учун қуйидаги 4 босқичли моделдан фойдаланиш тавсия этилади:

1-босқич: 2019–2021 йиллар – базавий линияни аниқлаш, ҳудуднинг профилини шакллантириш, мавжуд инфратузилмани баҳолаш, ривожланиш индикаторларини аниқлаш, мавжуд активлар ва муаммолар, эришилган муваффақиятларни таҳлил қилиш;

2-босқич: 2022–2024 йиллар – “Ақлли шаҳар” концепциясини жорий қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, манфаатдор томонларни жалб қилиш, тадбирлар йўналишлари ва режаларни аниқлаш, хатарларни баҳолаш, молиявий стратегияни шакллантириш, мақсад ва самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини белгилаш;

3-босқич: 2025–2027 йиллар – батафсил режалаштириш, бюджетлаштириш, самарадорлик истиқболлари, автоматлаштириш имкониятларини аниқлаш ва ахборот тизимларини жорий қилиш;

4-босқич: 2027–2030 йиллар – самарадорликни амалга ошириш ва баҳолаш, биргаликда (манфаатдор томонлар билан) жорий қилиш, самарадорликни мониторинг қилиш, баҳолаш ва қайта баҳолаш (трендлар, инвестиция параметрларини таҳлил қилиш), жойлаштиришни таъминлаш (кенгайтириш).

Юқорида келтириб ўтилган тўрт босқичдан ташқари ўрганиш зарур бўлган бир қатор жиҳатлардан ҳисобланган лойиҳалаштирилган объектнинг географик жойлашувига эътибор қаратиш лозим.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти, шунингдек, аҳоли сони бўйича Марказий Осиёдаги йирик қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳар Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида, Қозоғистон билан чегарага яқин ҳудудда жойлашган бўлиб, майдони 334,8 км² (129.3 2)ни ташкил этади. Ўтган 2021 йил маълумотларга кўра, Тошкент аҳолиси 2 694 400 нафарни ёки Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 8 фоизини ташкил этади. 2018 йил маълумотларига кўра Тошкент шаҳрининг ЙИМ \$2,74 миллиардни ташкил этади ва бу кўрсаткич Ўзбекистондаги энг катта ЙИМга эга шаҳар ҳисобланади.

“Ақлли Тошкент” лойиҳасида Тошкент Ўрта Тянь-Шаньнинг, асосан, герцин магматизми билан тавсифланган Чатқол-Қурама геологик ҳудудида жойлашган. Шаҳарнинг жануби-шарқий, яъни Усмон Носир кўчасидан жануби-шарққа томон, Чирчиқ дарёсигача бўлган қисми эса, асосан, дарёнинг иккинчи қайир усти ва қисман учинчи қайир усти террасаларида жойлашган. Ушбу террасаларнинг юзаси нисбатан текис бўлиб, лёсс ва лёссимон ётқизиқлардан тузилган. Учинчи қайир усти терраса ҳам Чирчиқ ўзанига яқинлашган жойларда 15–20 м тик жарлик ҳосил қилиб тушган.

Чирчиқнинг иккинчи қайир усти террасаси юзаси текис, майдони кенг бўлиб, Салор каналдан Чирчиқ дарёси бўйларида чўзилган. Сергели туманининг жанубий қисми ҳам шу террасада жойлашган. Шаҳарнинг энг баланд жойи (515 м) унинг шимоли-шарқий чеккасида, Мирзо Улуғбек туманидаги ТТЗ автобус бекати яқинида, энг паст жойи эса (380 м) Сергели туманида, Чирчиқ дарёси соҳили ҳисобланади. Шаҳар ҳудудининг ўртача мутлақ баландиги эса 447,5 м га тенг.

Шаҳар иқлими континенталдир, қиши совуқ, ёзи эса иссиқ ва қуруқ бўлади. Иқлим элементларининг тавсифини метеорология ст-яси маълумотларининг таҳлилидан олиш мумкин.

Техник нуқтаи назардан қаралганда объект амалга ошириш режалаштирилган тизим симсиз ва симли алоқа технологияларидан фойдаланган ҳолда тақсимланган сенсорли тармоқлар мажмуасидир. Муаммога қараб тармоқ физик катталикларнинг (босим, ҳарорат, газ таркиби ва бошқалар) турли сенсорларига асосланган бўлиб, улар кузатилган объектнинг параметрлари ва ҳолатини автоном тарзда аниқлайди ва маълумотларни шаҳар марказига мониторинг ситуацион-таҳлилий марказга узатади. Шаҳар инфратузилмаси тизимининг ҳолати (электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва канализация, конструктив деформациялар, транспорт ва бошқалар)



тўғрисида олинган маълумотлар туман Йўл ҳаракат хавсизлиги хизмати бошқармаларига, фавқулдда вазиятлар вазирлигига, ҳамда ҳокимлик вакилларига Тошкент шаҳар ҳолати бўйича автоматик маълумотлар тақдим этиб боради ва мониторинг қилади.

Лойиҳанинг алоқа тармоғини ишлаб чиқишда Тошкент шаҳар радиоэлектроника, приборсозлик, алоқа ва ахборот телекоммуникациялари корхоналари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, барча зарурий ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва коммунал инфратузилмалар – “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзбектэлеком” АК, “Ўзимпексалоқа” акциядорлик жамияти иштирок этади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, лойиҳа доирасида шаҳарнинг мавзе ва туманлари ҳудудида “Ақлли шаҳар” концепциясини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан, “Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари, радиоэлектроника, алоқа ва инфо-телекоммуникацияларни ривожлантириш” инновацион ҳудудий кластери ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази лойиҳалари асосида танланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар назорати остида амалга оширилаётган “Хавфсиз шаҳар” дастури янгича ёндашувлар асосида тизимни ташкил этиш белгилаб берилган. “Хавфсиз шаҳар” дастури – бу видеохавфсизлик ва техник хавфсизликни таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа тақсимланган объектларни ягона ахборот маконида бошқариш бўйича дастурий-техник воситалар ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси биринчи босқичда қуйидагиларни ўз ичига олади: “Стратегия–2030”ни янгилаш доирасида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва Стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш; ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш ва уларни амалга ошириш самарасини ҳисоблаш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва бошқалар.

Тошкент шаҳрида “Ақлли шаҳар” концепциясини амалга ошириш бўйича тавсиялар ва олинган маълумотлар асосида унинг элементларини қўллаш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хавфсиз шаҳар дастури:

- реал вақт режимида шаҳар кўчалари ва объектларидаги вазиятни кечаю кундуз тезкор назорат қилиш;
- видео ва аудио архивни юритиш;
- фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизмат ва ташкилотларни автоматик равишда хабардор қилиш, камералар ўрнатилган жойлардан визуал маълумотларни тақдим этиш;
- ёзиб олинган видеоматериаллар асосида воқеалар ривожини қайта қуриш;
- видеомаълумотни шаҳар инфратузилмасининг бошқа автоматлаштирилган тизимларидан олинган маълумотлар билан бирлаштириш;
- фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳаёт сифатини ошириш;
- фавқулодда вазиятлардан ҳаётни таъминлаш объектлари, саноат ва транспорт инфратузилмаси хавфсизлигига таҳдидларни, террористик ва жиноий таҳдидларни минималлаштириш;
- экологик хавфсизлик, ресурсларни тежаш ва энергия самарадорлигини таъминлаш;
- чорак ҳудудида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни бошқариш самарадорлигини ошириш.

Дастур доирасидаги “Ақлли шаҳар ва ақлли чорраҳа” яратиш билан бирга мамлакат муҳитини янада яхшилаш, унинг жозибadorлигини ошириш, ҳар бир соҳанинг ривожини учун ҳам туртки бўлади. “Ақлли шаҳар ва чорраҳа” лойиҳасини амалга оширишда соҳалар кесимида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- ✓ шаҳарнинг жамоат, техноген, экологик, транспорт хавфсизлигини ошириш;
- ✓ шаҳар энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва тежашни таъминлаш;
- ✓ шаҳар ва хавфсизлик объектларида икки мақсадли фойдаланишга яроқли маҳаллий аппарат-дастурий таъминот тизимларига асосланган таклиф этилаётган илмий-техникавий ечимларни синовдан ўтказиш билан амалиётга татбиқ этиш;
- ✓ лойиҳанинг техник, иқтисодий ва ижтимоий ютуқларини намойиш этиш, нафақат Тошкент шаҳрида, балки республика миқёсида лойиҳанинг амалга оширилган натижалари, лойиҳанинг рақобатдош афзалликлари ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот бериб борадиган платформа яратиш;
- ✓ шаҳарнинг асосий маъмурий-техник хизматлари ва лойиҳада иштирок этувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқалар тузилмасини мослаштириш;
- ✓ ишлаб чиқилган ва амалда жорий этилган тизимлардан фойдаланишга жалб қилинган ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлаш.

Концепцияни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади:

- мавжуд барча шакллардаги таълим ва малака оширишни кенгайтириш орқали, жумладан, Интернет ёрдамида шаҳар аҳолисининг билим даражасини ошириш;

- шаҳар хизматлари ва давлат органлари билан ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аҳолининг фаоллигини ошириш;
- энергетиканинг барқарорлигини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш;
- энергия ресурслари тақсимоти ва истеъмол самарадорлигини ошириш;
- истеъмолчилар учун хизматларнинг сифати, самарадорлиги ва интерактивлигини ошириш, шунингдек, алоҳида тарифларни қўллаш имкониятини яхшилаш;
- келажакда инновацион технологияларни қўллаш муҳитини яратиш;
- сув сарфи ва сув таъминотидаги узилишларни камайтириш, оқова сувларни тозалаш сифатини ошириш ва қаттиқ чиқиндиларнинг утилизация қилинишини яхшилаш;
- аҳолига шаҳар хизматларини кўрсатиш харажатларини камайтириш ва аҳолининг кўрсатилган хизматлар учун қарздорлигини қисқартириш;
- фавқулодда вазиятлар ва жиноий ҳолатларга жавоб қайтариш вақтини қисқартириш, жиноятчиликни ва жабрланганлар сонини камайтириш;
- транспорт инфратузилмасининг тирбандлигини камайтириш;
- йўллар ва тўхташ жойларига хизмат кўрсатишда иқтисод қилишни таъминлаш;
- пиёдалар ва жамоат транспорти фойдаланувчилари учун мобиль қулайликни яхшилаш.

Ақлли транспорт

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш орқали рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш, барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш муҳим. Хусусан:

иқтисодиётнинг реал секториди ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш;

дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 млн. АҚШ долларига етказиш;

барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш;

Тошкент шаҳри ва ҳудудларда жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш;

шаҳарлараро ва шаҳар атрофи темир йўл қатновлари жозибдорлигини яхшилаш;

транспорт ҳамда логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш, автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш;

транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 млн. тоннага етказиш

Ақлли электр энергияси

Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш “Ақлли шаҳар ва чорраҳа” лойиҳасида назарда тутилган. Бунда 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 млрд. кВт. соатга ошириб, жами 100 млрд. кВт. соатга етказиш орқали қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилига қарийб 3 млрд. куб метр табиий газни тежаш белгиланган.

Бундан ташқари электр энергия соҳасида шаҳар иқтисодиётининг турли тармоқларида истеъмол қилинадиган электр энергияси таннархи 5 фоиздан 20 фоизгача ҳамда фавқулодда вазиятларда тармоқларни тиклаш муддатлари деярли ярмига қисқартирилди. Аслида ақлли кўча ёритиш тизими шаҳар кўчаларидаги ёруғлик мосламаларини “ақлли энергия” тежамкор лампалар билан алмаштиришни талаб қилди ва натижада энергия истеъмоли 2/3 дан кўпроқ камайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон энергетика тизимининг кўшни давлатлар энергетика тизимлари билан барқарор ишлашини таъминлаш; саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш; уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш; электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича чораларни кўриш; республика ҳудудларида қарийб 80 минг километр магистрал ва таксимловчи электр тармоқлари, 20 мингдан ортиқ трансформатор пунктлари ҳамда 200 дан зиёд подстанцияни қуриш ва янгилаш мақсадга мувофиқ.

Ақлли экология

Юқорида таъкидланганидек, лойиҳа тизимида ҳар бир соҳанинг, шу билан бирга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳам қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувоқ:

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 млн. туп дарахт экиш. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда республиканинг 10 та ҳудудида аэробизологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш;

республика бўйича 51 та ер усти табиий сув объектлари (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар)нинг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини яқунлаш;

Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш;

Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 млн. гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш;

Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим” ва Глобал экологик жамғармаларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида 300 млн. АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш;

шаҳар ва туман марказларида ҳар 50–100 минг аҳоли учун “жамоат парклари”ни ташкил этиш;

Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш.

Ақлли электрон платформа

Шаҳар ва республика миқёсида “Уй-жой коммунал хўжалигининг давлат ахборот тизими Электрон ҳукумат” тизимини ўз ичига олган ягона платформасини яратиш асносида унинг асосий вазифалари этиб:

тизимга жойлаштирилган маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта илаш;

тизимда жойлаштирилган маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш, бундай маълумотларни электрон шаклда тақдим этиш;

фуқароларнинг барча ишончли маълумотларини бир жойдан олишлари учун уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қулай ижтимоий йўналтирилган контентни шакллантириш;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг реал ҳолатини мониторинг қилиш;

уй-жой фондининг давлат ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотларни юритиш;

уй-жой фондини давлат ҳисобга олиш объектлари ҳолатини мониторинг қилиш;

коммунал ресурсларни ишлаб чиқариш ва таъминлаш, коммунал хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган иссиқлик таъминоти, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти, электр таъминоти объектлари тўғрисидаги ахборотни юритиш;

уй-жой коммунал хўжалигининг бошқарувчи ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ягона реестрини шакллантириш;

бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш;

инспексия фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш;

кўп қаватли уйларни қуриш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳудудий мақсадли дастурлар, капитал таъмирлаш бўйича ҳудудий дастурларни амалга оширишда қисқа муддатли режалар, эскирган уй-жой фондидан фуқароларни жойлаштиришга қаратилган ҳудудий-мақсадли дастурлар, модернизация қилиш бўйича ҳудудий дастурлар тўғрисидаги маълумотларни юритиш;

коммунал инфратузилма тизимлари, ушбу дастур ва режаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар олиш;

маблағларни ҳисобварақларга, жумладан, капитал таъмирлаш фондини шакллантириш мақсадида очилган махсус ҳисобварақларга, бундай ҳисобварақлар

бўйича маблағлар қолдиғини дебеторлаш ва кредитлаш бўйича бажарилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни юритиш;
статистик ҳисобот шакллари йиғиш ва таҳлил қилиш;
олинган маълумотларни таҳлил қилиш, ҳисоботларни кейинчалик нашр этиш ва тарқатиш билан шакллантириш;
идоравий ахборот тизимлари, бозори иштирокчиларининг ахборот тизимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш;
фуқароларнинг уй хўжалиги масалалари бўйича мурожаатларини юбориш ва улар бўйича назорат қилувчи органлардан жавоб олиш имконияти;
тизимда ягона маълумотномалар, регистрлар ва классификаторларни юритиш;
уй-жой коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш имкониятини таъминлаш;
уй-жой, уй-жой қурилиши ёки бошқа ихтисослаштирилган истеъмол кооперативи, ширкат хўжалигини бошқариш билан боғлиқ масалалар бўйича кўп қаватли уйдаги биноларнинг эгалари томонидан овоз беришни амалга ошириш керак.

Ақлли сервис соҳаса

Ўз ўрнида, “Хавфсиз шаҳар” комплекс тизими доирасида замонавий шаҳарларнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишда ақлли сервис соҳасини ривожлантириш алоҳида ўрин касб этади. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 млн. янги иш ўринларини яратиш;

республика худудларида савдо ва йўл бўйи хизматларини ривожлантириш орқали 130 та замонавий бозорлар ва савдо комплекслари, шунингдек, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 65 та йирик ҳамда 5000 та кичик хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш;

сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини 3 бараварга қисқартириш ҳамда хизматлар соҳасининг жозибадорлигини ошириш мақсадида соҳадаги тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар тақдим этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Волков А. А., Намиот Д. Е., Шнепс-Шнеппе М. А. О задачах создания эффективной инфраструктуры среды обитания //International Journal of Open Information Technologies. – 2013, Т. 1. – № 7. – С. 1-10.

2. Кристофер Александер «Язык шаблонов. Города. Здания. Строительство» – М.: Изд-во Студия Артемия Лебедева, 2014 г. – 1096 с.

3. Шнепс-Шнеппе М. А. Как строить умный город. Часть 2. Организация «oneM2M» как прототип в области стандартов умного города //International Journal of Open Information Technologies. – 2016. – Т. 4. – №. 2. – С. 11-17.



4. Cepa, L. c., Kocur, Z. z., & Muller, Z. (2012). Migration of the IT Technologies to the Smart Grids. *Electronics & Electrical Engineering*, p.p. 123-128.
5. Ferrara, R. (2015). The Smart City and the Green Economy in Europe: A Critical Approach. *Energies*, 8(6), p.p. 4724-4734.
6. Gil-Garcia, J. R., Pardo, T. A., & Nam, T. (2015). What makes a city smart? Identifying core components and proposing an integrative and comprehensive conceptualization. *Information Polity: The International Journal of Government & Democracy in The Information Age*, 20(1), p.p. 61-87.
7. Max Nathan, Emma Vandore, Rob Whitehead. A tale of tech city: the future of inner east london's digital economy. – Centre for London 2012, 70 p.
8. Odendaal N. Information and Communication Technology and Local Governance: Understanding the Difference between Cities in Developed and Emerging Economies // *Computers, Environment and Urban Systems*. 2003, vol. 27, № 6. – P. 585-607.
9. Paskaleva K. Enabling the Smart City: The Progress of E-City Governance in Europe // *International Journal of Innovation and Regional Development*. 2009, vol. 1, № 4. P. 405-422.
10. Robert E. Hall. The Vision of a Smart City. – 2nd International Life Extension Technology Workshop, Paris, France, September 28, 2000.
11. Rudolf Giffinger, Haindlmaier Gudrun. Smart cities ranking: An effective instrument for the positioning of the cities. – In: ACE: Architecture, City and Environment = Arquitectura, Ciudad y Entorno [en línea]. 2010, Año IV, número 12 Febrero. – P. 7-25.
12. <https://www.fastcoexist.com/3038818/the-smartest-cities-in-the-world-2015-methodology> – Boyd Cohen. METHODOLOGY FOR 2014 SMART CITIES BENCHMARKING. – November 20, 2014 (дата обращения 03.04.2017).
13. http://www.itworldcanada.com/archive/Documents/whitepaper/ITW218A_Actionable_Business.pdf - Actionable Business Architecture for Smarter Cities: Enabling better services, greater prosperity and higher productivity. – IBM Global Business Services, 2011 (дата обращения 15.04.2017).
14. <https://citizen20series.com/internet-of-things-and-citizen-engagement> – JEFFREY PEEL. Internet Of Things And Citizen Engagement. MAY 4, 2015 (дата обращения: 29.03.2017).
15. <https://www.idc.com/getdoc.jsp?containerId=prAP41181416> –